

Олий ўқув юр்தларида марксча-ленинча фанни ўқитиш савиясини ошириш, ижтимоий фан кафедрала-рининг фаолиятини активлаштириш учун кескин тораларни кўриш ке-рак.

ПРОПАГАНДА ҲАЁТ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНСИН

ИЖТИМОЙ ФАҲЛЛАР — ЯНГИ
ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА).

КПСС Марказий Комитети ўз қароридан шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтдики, партия пропагандаси ўқити, яратувчи фикрлар ҳисобига ушбу ҳаётнинг бошланғич тақдир-дагина, унда энг яхши илмий кучлар қатнашган тақдирдагинагинагина камҳафта чуқур ва таъсирчан бўлади. Биз бу соҳада янги катта имкониятларга эга эканлигимизни айтиб ўтиш керак. Республикада олимларнинг йирик отряди хизмат қилмоқда. Уларнинг сонида 200 га яқин фан доктори ва 2300 га яқин фан кандидати бор.

Кейинги йилларда фаннинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда бир-мунча ютуқлар қўлга киритилди. Илмий фанлар соҳасида анчагина муваффақиятларимиз бор. Тарихчилар Ўзбекистон ССР тарихи ҳақида, жумладан совет илмий тарихи ҳақида бир қанча асар эъланди. Иқтисодий фанлар соҳасида маълум сиқилиш юз берди. Олимларимиз сиёсий ва илмий билимларини тарқатишда фаолроқ қатнашадиган бўлиб қолдилар.

Лекин илмий муассасаларимизнинг иши Марказий Комитетнинг партия пропагандаси тўғрисидаги қароридан қўйилган юксак талабларга ҳали тўла жавоб бера олмайди.

Илмий кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда камчиликлар бор. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми бу муҳим иш билан етарли шугулланмаптир. Биз олимлар фан ҳақида ҳам, кўпроқ амал ва амаллашганини ўйлаймиз.

Фанлар академиясининг академиги ўртоқ Мухаммадзонов совет олимларига муносиб бўлмаган нотўғри йўлга ўтиб олди. У ўз лавозимидан фойдаланиб, бошқа олимларнинг яхши билан докторлик диссертацияси тасдиқлади. Бошқача қилиб айтганда у ўзгаларнинг ишини ўзиники қилиб олди.

Маълумки, илмий асарларни нашр қилишда бир қанча қўйинчиликлар юз бермоқда. Шунинг учун олимларнинг баъзи қимматли асарлари вақтида босиб чиқарилмаптир. Ани вақтга эса академия 1959 йилда М. Тўйчиевнинг «Эрта Осиёда грек ёнғири» деган китобини 20 боёма дитдан ортиқроқ ҳажмда бо-

ларининг ҳаммасидан идеология ишига раҳбарлини кучайтиришни, унга ҳамма вақт эътибор беришни талаб қилди. Идеология ишининг таъсирчанлиги коммунистик қурилишнинг у ёки бу участкасида эришилган конкрет натижаларда ифодаланади.

Етти йилликнинг улуғвор вазифалари биздан коммунистик мусобақани, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини бундан кейин ҳам кенг авж олдиришни, илгор таъриқларини кунт билан пропаганда қилишни ва уни ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз ва совхозда жорий қилинишини таъминлашни талаб этади.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари идеология ишига раҳбарлини тубдан яхшилашлари лозим.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлимлари — пропаганда ва агитация, фан, олий ўқув yurtлари ва мактаблар бўлимлари КПСС Марказий Комитетининг қарорини амалга оширишда ташкилотчилик намунасини кўрсатишлари керак. Ҳозирча эса, бу бўлимлар жойларда идеология ишларининг аҳолини яхши ўрганаётганлар, партия ташкилотларида етарли ердан бераётганлар, Марказий Комитет бюроси ва секретариатнинг қарорларининг бажарилишини мунтазам назорат қилмаётганлар.

Ўзбекистон комсомолнинг Марказий Комитети, маҳаллий комсомол ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида конкрет ишчанлик ва жўшқинлик кўрсатиши лозим.

Ўртоқ Раҳимбойеова сўзининг охирида бундай деди:

— Ўзбекистон партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Хозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори асосида ўзининг ташкилий ишлар савиясини ошириш, идеология фаолиятининг ҳамма жойда кучайтирилишини таъминлаш, идеология фаолиятининг етти йилликнинг улуғвор таъсирчанлигини мунтазам илгари бажариш учун мамлакатимизда коммунизм галабаси учун курашда республика меҳнаткашларининг илмий ташаббусини янада авж олдиришга қаратилган, деб ишонч билдиришга руҳланган этайсиз.

Доқлад юзасидан бўлган музокалар газетамизнинг навбатдаги сонидан босилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»
МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН„Лойиҳалар кам-
қўтсиз бўлсин“

Газетамизнинг шу йил 24 январь сонидан «Ташаббусдор» трестининг 978-УНР бошлиғи А. Яковлев ва партия ташкилотининг секретари Ф. Сервантов ўртоқларнинг республика лойиҳалар институтини «Ўзгоспроект» раҳбарлари адресига институтнинг қишлоқ қурилиш ташкилотлари учун тайёрлаб берган лойиҳаларида жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги тўғрисида ёзган хати босилиб чиққан эди.

«Ўзгоспроект» бош инженери ўринбосари ўртоқ Т. Шахмурадиннинг редакцияга маълум қилишича мақола институт ва 978-УНР вақилининг қўшма мажлисда муҳокама қилинган ва унда келтирилган эътирозлар ҳақин деб топилган.

Лойиҳаларда бўлган камчиликлар институт вақиллари томонидан қурилиш ташкилоти ҳодимлари билан биргаликда, бартаф қилинган.

„Фақат совуқ сув“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 20 март сонидан босилган тақдир хабарда 19-ҳаммомда бўлган тартибсизликлар тақдир қилинган эди.

Ҳаммом бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Мухаммаднинг редакцияга бидиришчи хабарда келтирилган фактлар кўла тасдиқланган. Ҳаммомнинг Полковник ва қозғар. Ёшларлар меҳнат иттифоқининг буғаликлари, иш вақтида ичкиликбозлик билан шугулланганликларини учун шиддан бўғатилган. Ҳаммом директори ўртоқ Эргашев оғохланган. Ҳаммомнинг ишнинг яхшиланш юзасидан амалий тадбирлар қўрилган.

нолар, архитектура ёдгорликлари, шунингдек бир қатор замонавий биноларнинг намуналари қўйилди.

Виставкада ишлаш учун руҳини мукамал ўзлаштириб олган кўпгина информатор таъйинланган. Улар виставканинг ишлага-хил бўлимида таъминотидаги экспонатларни тўла тушунириб бериш учун махсус таъйинланган кўрмоқдалар.

Бу виставка 25 июнча давом этади. Чехословак виставка таъминоти 15 августда Киевга ҳам очилди. Миллионларча совет кишилари қардош Чехословакнинг социализм қурилишида муваффақиятлари билан танишадилар. Шубҳа йўқки, бу ҳар иккаси виставка Социал-Чехословак абадий ва буюнмас дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

Б. ДМИТРИЕВ.
(ТАСС).БУТУН КУЧ ВА ТЕХНИКАНИ ҒЎЗА
ПАРВАРИШИГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

ҚАҲРАМОННИНГ ДАЛАСИДА



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Бозорова бошлиқ бригада аъзолари 1-«Бобу» совхозда чигит экинчи ҳаммадан олдин тугалладилар.

Бригадани аъзоларининг аҳди катта. — дейди Шарофат опа, — 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта топирамиз, деган ниятимиз бор. Ҳамма еримизга чигит квадрат-уялаб экилган.

Қаҳрамоннинг даласини айланган киши бригада аъзолари ҳақиқатан ҳам кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганлигини кўради. Ўтган йили бригадада ҳосилнинг 55 проценти машинада геришган эди. Бу йил эса 80 процент майдондаги пахта машинада теришга ақратилган. Бунга ҳозирдан бошлаб тайёргарлик қўрилмоқда. Машина теримига мўлжалланган ерлардаги чигит ундириб олинган, ало-

ҳида парварши қилинади. Тўғри, об-ҳаво анча паст келганлиги сабабли чигитни бир тенс ундириб олинганда баъзи бир қийинчиликлар ҳам бўй бераётган. Лекин бригада аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Қаҳрамоннинг бригадаси 4 та трактор, 15 ички кучи биритилган. Улар техника кучидан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш соҳасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

И. УММАТОВ.

Суратда: (chapдан) бригада аъзоларидан Ж. Жонжигитов, С. Абкаримов, Т. Абдулжалилов ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Бозорова ўртоқлар. Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

Ғўзанинг биринчи цикл парваршини
эрта тугаллаймиз

Далаларимизда иш қизиқ кетди. Ушшоқлик билан меҳнат қилиб, чигит экинчи тўғри иш қилиб таъминланган эдик. Олдин карталаримизда чигит ўлиб қишлоқ билан култивацияни киритишди. Ҳозирча минг гектар ерда чигит ушиб қилди. Ҳаммаси бўлиб 2950 гектар ерда пахта етиштирилади.

Кечагина Янгиёул районидан бўлиб ўтган бошлиқ қишлоқ хўжалик илгорларининг кенгашида бу йилги шароитда чигитнинг таъминиди ундириб олиб, ғўзанинг биринчи цикл парваршини сифатли ўтказиш, бунинг учун қандай тадбирлар қилиниши, лозимлиги ҳақида қимматли маслаҳатлар берилди. Шу кенгашдан кейин биз ҳам колхознинг активлари билан бу соҳадан ишларимизни жонлантириш юбориш тўғрисида яна бир бор маслаҳатлашиб олдик. Бунинг натижасида зарур тадбирлар белгиланди. Колхозимиз бўйича 57 култиватор бор. Шундан 35 таси тракторларга осилиб тайёр қилинди, қолган култиваторларини ошонин ҳам яқин икки-уч кунда тугаллаймиз. Ҳисоблаб кичик, яна 3—4 кундан кейин култивацияни оммавий равишда бошлаб юборамиз. Шунда ҳар агрегат билан қунара 7—8 гектардан

ер култивация қилинади, ғўзанинг биринчи цикл парваршини узоғи билан 12 майгача тугаллаш мумкин бўлади.

Шу кеча кундузда 8 та култиватор ишлаб турибди. Колхозимизнинг Фозил Кўчқорбеов бошлиқ бригадасида бу йил 150 гектар ерда чигит экилган. Шундан 50 гектар квадрат-уялаб экилди. Бригада аъзолари ганишчилар ҳаракатида қўшилишган. Ҳозир бу ерда ҳар бир соват, ҳар бир минутдан унумли фойдаланилмоқда, култивация сифатли ўтказилмоқда. Чигит экинча ҳамма намуна бўлган механизатор Абдурахмон Норматов култивацияда ҳам топиришни ортиги билан бажармоқда.

Колхозимизнинг ўртоқ Абдурахмон Ҳанимов бошлиқ бригадасида ҳам экин ишлари қисқа муддатда юқори сифатли қилиб тугалланган эди. Улар ҳам майдони мусобақадан қўшилиб мўл ҳосил учун курашини давом эттирмоқдалар. Бу бригаданинг механизаторлари — Пўлдош Мерганов, Холмухаммад Исроиллов ўртоқлар кунига 6—7 гектар ерни сифатли култивациядан чиқармоқдалар.

Шундай қилиб, ҳозир кунига колхоз бўйича 40—50 гектар ер култивация қилинмоқда. Ҳаммаси бўлиб 200 гектарга яқин ер-

нинг ғўзасига биринчи ишлов берилди.

Бу йилги аҳдими юксак. Давлатта 8400 тонна пахта топириш мажбуриятини олганмиз. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнердан онам бўлмайди. Ғўза парваршини сифатли ўтказиш, бунинг учун мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлашнинг ҳосил етиштириш олами. Шунинг учун ҳам колхоз раҳбарларининг бошдан пахта бўлини учун курашмоқда. Бригадаларда ишнинг сифатини, қатор ораларининг нормал кенгашида юмшатилишини назорат қилиб бормоқдамиз.

Колхозимиз бўйича 1025 гектар ерда янги квадратлар ҳосил бўлмоқда, Биз бу билан чегараланилмаймиз, яна 1300 гектар ерни қирғиб квадрат ҳосил қиламиз. Шунда ҳаммаси бўлиб 2300 гектардан ортинг ернинг ғўзасига узунасига ва қўндалигига ишлов берамиз.

Колхозимиз аъзолари пахта етиштиришни қўлайтириш юзасидан олган мажбуриятларининг уйдасидан чиқиб учун ҳамма чораларни қўрибди. Биз ғўзанинг биринчи парваршини сифатли тугаллаб, иккинчи парваршини ҳам ушшоқлик билан ўтказамиз.

Коммунал АЗИМОВ,
Янгиёул районидан Ленин номи колхознинг агрономи,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҲАКИМ ПОЛВОН БРИГАДАСИДА ҒЎЗА
ПАРВАРИШИ ҚИЗИТИЛДИ

Шу кечаю-кундузда бригадаини ерини айланган киши текис ушиб қишлоқ ғўзаларни кўриб, ҳаваси келади. Яқин карталарда яшил квадратлар ҳосил бўлмоқда.

Бу бригадада экинчи тезда ва сифатли тамомлаш учун ҳамма бир тан, бир жон бўлиб ишлади. Ички кучлар билан мавжуд техникадан фойдаланишга катта аҳамият берилди. Натижада кузда чуқур ҳайдалиб, яхши ўғитланган теп-текис карталарга барвақт чигит тушди.

Далада иш авжида. Абдулла Бердиев, Қўқор Лаймов, Абдуҳаким Сатторов каби таъриқлар деҳқонлар ўқариқ олоқдалар. Яна бир неча колхозчи ўқариқ қулоқларини ростлаб юришибди. Ҳар бир картата етарли микдорда маҳаллий ва минерал ўғит ташиб келтирилмоқда. Тракторчи Оран Орипов, Ҳайдарали Мамадалиевлар ғўза универсалларини ғўза парваршига мослаб қўйишди. Бошқа тракторчилар ҳам универсалларга култиваторларини тирасмоқда. Чигит эрта ушиб қишлоқ ерларда қўндалигига култивация қилиниши бошлангачи бўлибди.

Бригаданинг азаматлари ҳамма экин майдонидан дастлабки ғўза парваршини ва оқилдангиришни 15 майдан кечиктирмай тамомлаш чораларини кўрмоқдалар.

Ҳўжалик ҳисобига ўтган Ҳаним Полвон Қодиров бошлиқ бри-

гаданинг аъзолари шағал-қум, қамшоор, тўғайлар ерни ўзлаштириб, мўл ҳосил етиштириш учун тинмай меҳнат қилишмоқда. Улар 100 гектар ерда чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 75 центнердан, ҳаммаси бўлиб 750 тонна «оқ отин» етиштиришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда дондор пахтакор Фанишер Юнусов бошлиқ бригада билан беллашганлар. Пахтакорлар ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашиб, дала ишларини коммунистик мусобақа асосида олиб бораётганлар.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳаким полвон Қодиров, — бу йил ўтган йилга қараганда ҳосилдорлигини гектар бошига 8 центнердан оштиралиб, Механизациядан тўла фойдаланиб, кетмон ишлатмаган ҳолда мўл ҳосил етиштирамиз. Шунинг ҳисобига олиб асосий майдонларга чигитни квадрат-уялаб эдик. Дастлабки меҳнатимиз чакки бўлмади. Энди бўғини ҳам бўшатишарми.

Дондор пахта устаси Фанишер Юнусов билан беллашган бу бригаданинг аъзолари ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида бугун кечганида, эртага бугундан унумли меҳнат қилдилар.

М. ҒОЗИЕВ,
Пискент районидан Тельман номи колхоз.КУЛЬТИВАТОРЛАР
ИШГА ТУШДИ

Ўртоқ Лан Владимир бошлиқ бригада ўтган йили 40 гектар ерда чигит экиб, 160 тонна ҳосил етиштирган эди. Бу йил бригада аъзолари янги ерлар ҳисобига пахта майдонини кенгайтириб, 110 гектар ерда чигит экидилар. Ҳар гектар ердан давлатта 30 центнердан ҳосил сотиш мажбурияти олинди.

Бўқа районидан «Ленин йўли» колхозининг бу йилги бригадасида ҳозир яшил квадратлар пайдо бўлди. Бригада аъзолари янги ерлардан ҳам мўл ҳосил кўтариш мақсадида ғўза парваршини бошлаб юбордилар. Механизатор ўртоқ Муса Исоев ҳар кун 6—8 гектар ерда култивацияни ўтказаетир.

Бу йил ғўзани эрта оқилдангиришнинг муҳим эканлиги област қишлоқ хўжалик илгорларининг Янгиёул шаҳрида кечагина бўлиб ўтган кенгашида қайта-қайта таъкидланди. Пахтакорлар бу кўрсатмага амал қилмоқдалар. Ғўза маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан оқилдангириляптир.

— Чигитни эрта экиб, эрта ундириб олдик, — дейди бригадир ўртоқ Лян, — энди ҳамма кучини ғўза парваршига қаратдик. Биринчи парваршининг 1 Май байрамгача таъминламоқчимиз.

Районнинг Илчъ номи колхозидан ҳам дастлаб чигит экилган ерларда ғўза парваршини қизғин бошлаб кетди. Колхоз аъзолари Владимир Илчъ Ленин тугилган кунининг 90 йиллигини 710 гектар ернинг ҳаммасига чигит экиб бўлиб билан ишоналган эдилар. Энди хўжаликнинг илгор бригадалари 1 Май байрамгача ғўзанинг биринчи парваршини тамомлашга қарор қилдилар. Колхоз партия ташкилоти ғўза парваршини қўлайтириш мақсадида бригадаларга коммунистик мусобақани авж олдириди. Самат Сатторовлар, Душа Сафаров, Анорбой Тожиқовлар ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари бу мусобақада олдинда бормоқдалар.

Шу кунларда пахта далаларида биринчи универсал бегўтов ишлатилган. Яна 12 та тракторга култиватор ва «СУЗ» тиркалди. Карта чотларига, минерал ва маҳаллий ўғитлар ташиб келтирилмоқда. Бу ўғитлар биринчи култивация даврида ғўзага берилди.

Ж. СУЛТОНОВ,
А. ЭРГАШЕВ.Чигит қийғос униб
чиқди

Механизаторлар, колхозчиларнинг фидокорона меҳнати тўғрисида квадрат-уялаб чигит экин сифатли ўтказилган эди. Мана энди далаларини айланганда яшил квадратлар пайдо бўла бошлаганини кўрасиз.

— Квадрат жонининг роҳати экан, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Каромат Ҳўжамқулов, — шу тўғрисида асосий ерларимизга чигитни квадрат-уялаб эдик. Дастлаб экинган ерларда чигит қийғос униб чиқди.

Сирдарё районидан «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Ҳўжамқулов бригадаси бу йил ўтган йилгача қараганда анча мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаган. Бу йилги шароитда чигитни бир текис ундириб олиб, ҳамма ерда ғўза парваршини 10-12 майдан кечикмасдан тугаллаш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган бригада аъзолари зарур таъриқларни кўрмоқдалар. Тракторларга култиваторлар осилмоқда. Эрта-инди култиваторлар ишга тушди.

Н. ЗСИРГАПОВ.

Тўла гектар учун
курашмоқдалар

Юқори Чирчиқ районидан «III Интернационал», «Ленинизм», «Правда» колхозларида чигит экин ишлари анча барвақт тугалланди. Бу хўжаликларда барча пахта майдонларининг яримдан кўпига чигит квадрат-уялаб экилди. Ана шу колхозларнинг Туроп Ҳамроев, Холдор Рустамов ўртоқлар бошлиқлик қилган бригадалари ганишчилар ҳаракатига қўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадаларда чигитни ундириб олиш соҳасида яхши натижаларга эришилмоқда. Ҳамма ерда тенс квадратлар ҳосил бўлди. Илгорлар ғўза парваршини қизитиб юбордилар.

Шу билан биргаликда тўла гектар учун кураш ҳам авж олдирилди. Колхозчилар карта четлари, ўқариқ бетларига чигит экиб, гектарларнинг, тўла бўлишини таъминламоқдалар. Улар ғўзанинг биринчи цикл парваршини сифатли ўтказиш билан бирга, оқилдангиришга ҳам алоҳида аҳамият берадилар.

Ж. ТУСОНБОВ.

ЯНГИ МАШИНАЛАР

Пойтахтимиздаги ремонт механика заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари республикада илмий-техник оғирини етиштириш мақсадида янги бажар қирқувчи машина ишлаб чиқара бошладилар. Унинг дастлабки партияси Бухоро ва Сурхондарё областларига жўнатилади.

Корхона коллективи қисқа муддат ичидан «ОРИП-В» маркали кичик пуркагич аппаратлар тайёрлашни ҳам тўла ўзлаштириб олди. Машинасозлар йил охиригача 10 минг донна ана шундай аппарат тайёрлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Ахил коллектив янги машина ва аппаратлар ишлаб чиқаришни

ўзлаштириш, трактор моторларини ремонт қилиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар тайёрлашни ҳам кун сайин кўнайитиб бормоқда.

Илгор шифовкачи Бузаверов, куювчи Селимов, қопилловчи Нурматов ва бошқалар етти йилликнинг ҳақиқий жонқурларини сифатини таъриқ қозондилар. Улар смеа топиришларини 200 — 220 процентдан ҳам бажаришмайдилар.

Илгоркор машинасозлар шу кунларда умумхалқ байрамини муносиб ишоналган учун янада зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганлар.

Х. АБДУВАЛИЕВ,
М. САИДОВ.ЧЕХОСЛОВАКИЯ
1960 ЙИЛДА

Сиз бу сўзларни Чехословакия давлатининг амблемасида кўрасиз. Виставка 1960 йил 3 майда Москвада Сокольников маданият ва истироҳат боғида очилди. Сокольниковга юзга яқин вагонда турли юк келтирилди. Қурилиш ишлари янада суръатлар билан олиб борилаётганда, Чехословакия саноат корхоналарининг коллективлари виставка экспонатига тақдим этиладиган маҳсулотларини ихлос билан тайёрламоқдалар.

Виставка Чехословакиянинг Совет Армияси томонидан овоз қилинган кунининг 15 йиллигига бағишланади. Унда республиканинг социализм қурилиш йўлида эришган муваффақиятлари кенг ас эътирфилди. Бу виставка ўзининг ҳажми ва маъноси билан илгарилари чет элларда нэмойиш қилинган барча Чехословакия виставкаларидан ажралиб туради. Сокольниковда 7.500 квадрат метр павильонларда Чехословакия республикасининг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, соғлигини сақлаш ва бошқа соҳалардаги муваффақиятларини акс эттирадиган 172 гурпада экспонатлар ўрнатилди.

Бу ерда келувчилар чехословак халқи галабасини акс эттирувчи замонавий машиналар ва станокларни, автомобильлар, қишлоқ хўжалик машиналари, электр саноатининг қимматли маҳсулотларини, медицина асбоб-ускуналарини, радио аппаратуралари, оптик асбоблар, мебеллар, кенг истеъмол буюмлари ва бошқа қўпгина энг янги экспонатларни кўридилар.

Чехословак инженерларидан Зикмунд билан Ганселко биргаликда бутун дунёни биринчи марта айланиб чиққан «Татра» автомобили таъминоти билан албатта қизиқтиради. Бу экс-

понат магнитофон ердамида ўзининг сарғушайтади бой таъриқбасини «гаприб» беради. Махсус павильонда Зикмунд ва Ганзелконинг биринчи ва келгуси сафари билан боғлиқ бўлган бир қанча фотосурат ҳамда бошқа ҳужжатлар, уларнинг маршрутларини акс эттирувчи дунё харитаси монтаж қилиб қўйилди.

Виставка территориясининг 15 минг квадрат метри Чехословакияда ҳар йили ўтказиладиган май байрамидангиз халқ сайлини кўрсатиш учун ажратилган. Бу ерда Чехословакиянинг баъдий ва рақс ансамбли, оркестр, цирк артистлари, халқ бахилларининг чиқишлари бўлади.

Виставкани беэашда Чехословакиянинг энг яхши архитекторлари, инженерлари, расомлари, шу жумладан Клемент Готвальд давлат мукофотининг лауреати Индржих Сантар ишладилар. Индржих Сантар Брюссель виставкасидаги чехословак павильони ва Москвадаги чехословак ойнаси виставкасини беэашда қатнашган эди.

Виставкани баъдий қилиб беэашда шимоллий чех ойна устаслари жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Турловдаги фабрикаларда виставка фасадларини беэаш учун энг йирик қадама деталлар тайёрланмоқда. «Борне Скло» тош тайёрлайдиган фабрикада химия-хил тошлардан баландлиги беш метрлик Чехословакия Республикасининг Давлат герби ишланмоқда.

Атоқли ҳайкалтарош Витеслав Юнгб

БҮГҮН Келес массивида



Калинин районидаги Ленин номи колхоз чўнони Адамбек ота отарида эгизаклар кўп. У ана шу эгизак кўзиларни алоҳида авайлаб парвартиш қилмоқда.



ЙҮЛ-ЙҮЛАКАЙ

Паст-баланд адылар, туюркам тепаликлар оша катта қир йўлдан бормоқда. Би-теваригимиз ястайиб ётган ям-яшил води. Атрофга, бепоян ўт-ўланлар ўласига жўшқин меҳр билан боқсан, ажойиб ҳис-туйғуларга гарқ бўлган ҳолда олисдаги Алимтовнинг қорли чўққиларига тикиласан. Ана шунда Келес массивидаги серт йилловлар бутун бойлиги ва гўзаллиги билан намойи бўлади.

Ййлов бўйлаб йўлда давом этмоқда. Кўз ўнгимизда янада янги, жозибали манзара! Бахмал қирлар ва яси тепаликлардан кўз узоқмайсан. О, нақадар кўркем Ватанимизнинг кўз илғамас дашти-бибонлари ҳам! Онда-сонда эшитилиб турган қозоқ, ўзанининг ёқимли куйлари киши кўнглини ўзига мафтун этади, бу куйлар ўтлаб юрган

яна олтинчи километрдан ортқ йўл босилса, Сирдарё бўйига чиқилади. Бу ораликдаги ййловларда обалти-мизнинг Калинин, Ингйўл ва Чиноз районларидаги колхозларнинг кўра-кўра қўй-эчкиси, узордаги йй-диси ва бошқа чорва моллари ўт-лайди. Қимирлаган қир-ошақ деганларидой кун қилдан ўтганда Қоракўмдаги чўпон овулларида би-ринга келиб қўндик. Бу ердаги яси тепаликнинг ён бағрига тикилган олти қанотли ўтовда Калинин рай-онидagi Ленин номи колхоз чўнони Адамбек Ҳрозбоев ўз оиласи билан яшайди.

БҮРДОҚИГА БОҚИЛАЕТГАНДАЙ

Адамбек ота овулда йўқ экан, бир нафас ҳордиқ чиқарганимиздан кейин ферма мудири Муҳаммад Иноғомов билан бирга бу ердан анча олисроқда

лақиди гапиришиб туришдик, бир маҳал ўриб кетган қўйларнинг ол-дини қайтариб, Адамбек ота билан ўган Мустафо келиб қолди. Ёши ет-мишларга бориб қолган бўлса ҳам кўпни кўрган бу тадбирли чол ҳали бардам-бақувват кўринади. Адамбек-ота гап орасида совлиқларнинг деяр-лик ҳаммаси кўзилгани, 63 қўй эгиз туққани ҳақида сўзлаб берди. У ҳар юз совлиқдан 120 бош қўзи олишга аҳд қилган, эгизакларнинг ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳозирданок кўзилатиш планини олтиги билан бақариб қўйибди. Отанинг ўтган йилги иши ҳам ардоқласа аригу-дек. Қўзи олти юзасидан берилган план туғли мажбуриятини ҳам оши-риб бақаргани, қўй-қўзиларни се-миртириб боқгани ва қилдан сов-лом олиб чиққани учун бу кекса чўпон Ўзбекистон ССР Олий Совети-нинг Фахрий ёрлиғи, буюрғи йил эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, ўтган йил охи-рида 30 бош қўзи мукофот берил-ган.

— Ҳалол меҳнат қилиб, камлик кўрганимиз йўқ, — деди Адамбек-ота, — ахир шу ёшга келиб ким соат тутибди дейсиз, вақтини бўлса қўшга қараб чамалаб айтардик. Ма-на энди замоннинг эйли билан со-атлик ҳам бўлиб олдик.

У чорвадорнинг ақинда бўлиб ўтган область кенгашида қатнашган ва бир соат билан мукофотланган экан. Ота ён чўнтагидан соатини олиб кўрсатар, тақдирланганлигидан беҳад фахрланганлиги сезилиб ту-рарди.

ОЗГАН ОТ ОРҒИМОҚ БУЛМАС

Шу райондаги «Коммунизм» кол-хозининг Қурбоналига қўнган ўтов-ларидан биридими. Уй ичи сарам-жон-сарийша жиҳозланган. Бир қар-ашда рўзгор бутлиги сезилиб ту-рибди. Уй эгаси — кекса чўпон Бакир ота кўп йиллар бўладик, Аббос ва Файзхон исми ўғилла-ри билан шу колхознинг совлиқ қўйларини боқди. Ййловнинг ти-дини яхши билгани ва қўйчиликни ривожлантиришда ташкилотчилик қилгани учун катта ўғли Аббос хо-зир колхоз қўйчилик фермасининг мудири бўлиб ишламоқда.

Бу ерда чўпоннинг «Шавкатли меҳ-нати учун» медали билан мукофот-ланган кичик ўғли Файзхон ҳам ўтирибди. У ўтган йили қўзи олтиш планини анча ошириб бақаргани учун бир соат ва 25 бош қўзи би-лан тақдирланган. Бу йил ўн бока-етган 400 совлиқдан ҳозиргача 445 бош қўзи олтибди.

Бакир ота шарақлаб қайнаб тур-ган човғунни ўчоқдан ахтиёткорлик

билан олдида, катта чинни чойнак-ка аччиқ қилиб фамил чой дамла-ди. Сўнгра ўрнидан туриб бориб ишқивозлик билан приёминикини қўзғотиб бураб қўйди. Чойхўралик қилиб ўтириб шўх мақомлардан кон-церт тингладик. Чол чакмонини ён-бошига ястиқ қилиб олдида, чорва ҳақида кўп ахши гапларни айтди.

— Шундай болаларим, — деди-у сўзида давом этиб, қўйчиликнинг қиммати фақат унинг сони билан-гина эмас, маҳсулдорлигига қараб ҳам белгиланади. Партия, ҳукума-тимизнинг қарорларида ҳам айнан шундай деб айтилган. Қўй-қўзилар ҳозирдан бошлаб кеча-кундуз су-рункасига ҳайдаб боқилмаса, улар учун серт ййловлар қидириб то-пиламаса, семирмайди, ҳам баракали жун бермайди.

Чорвадорлар — орасида КПСС Мар-казий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг қарорлари ишлаб чи-қилганда чўпонлардан Бежигит Давронов ўз отаридаги ҳар юз сов-лиқдан 110, Файзхон Бакиров 115 бошдан қўзи бериш мажбуриятини олганлар. Ҳақиқатан ҳам колхоз-нинг қишда Алимтов атайларида бо-қилган семиз қўйлари ҳозир бир те-кис қўзилабди. Бакир ота эса миқт-савдасини ростлаб, тапиришда давом этарди.

— Озган от еримоқ бўлмас, — дейди у сўхбатта сўн ясаб.

ЧҮЛ ДЕМАЙ, УЗОҚ ЙҮЛ ДЕМАЙ...

Қурбоналидан қайтгач, қош қора-либ қолган пайтда Келес массивида-ги ййловларнинг маркази Бўзойга — Ленин номи колхоз чўпонлари яша-ётган овулга келдик. Ёнма-ён ти-килган бир неча ўтов ўртасидаги оқиқ саҳида одам гавжум. Гулхан-дан таралган аланга ат-рофни ёритиб юборган. Бунга қарангки, катта концерт-тамоша усти-дан чиқиб қолдик. Ашу-ла ва музика садолари жаранглаб эшитиларди. Ашуладан кейин доира-нинг шўхчан нағмаси янгради. Даврада енгил ва жозибали ҳаракатлар қилиб ўйинга тушган раққосани тамошабин-лар қараск чалиб та-риқладилар.

Чўлда, Тошкентдан қариб 150 километр узоқликдаги ййловда концерт бераётган санъ-аткорлар кимлар экан деб ўйларсиз. Айтилла-рича, яқинда ййловга область ташкилотлари-нинг раҳбар ходимлари-дан, бир неча киши келиб, чорвадорлар орасида бўл-ган л а р и д а улар «қўйларимиз кўпроқ қўзиласин, мол туёғи таъминлашсин, Бўзойда жила бўл-май қўшинсин деган ҳаракатдамыз. Энди бизларнинг бир илтимосимиз бор. Чўл демай, узоқ йўл демай санъаткорларимиз ҳам вақти-вақти билан келиб туришса» деган талаб-ни қўйишибди. Шундан кейин ора-дан бир ҳафта ўтар-ўтмас Инги-йўлдаги область театрининг ашула-чи, созанда ва раққосаларидан ибор-ат 12 кишилик концерт бригадаси чиқиб келишибди.

Ҳа, мана шундай, бугунги ййлов кегагисига сира ўхшамайди. Қайси бир чўпон уйига кирманг радио при-ёмларидан тортиб, кийим-кечак, пойфазал, хилма-хил газлама, чой, совун, туз, ширинлик сингари ти-риқчилик учун зарур бўлган нарса-

ларнинг ҳаммаси мухайё. Чўпон болалари учун янги типовой мактаб қурилган. Узоқдан келадиганлари мактаб ҳузуридаги интернатда ётиб ўқийдилар. Бу ердаги амбулатория, аптека, касалхона ҳам чорвадорлар учун биноидек медицина хизмати кўрсатмоқда. Тугруқхона учун ахши бир бино қурилмоқда.

Концерт бўлиб ўтган кўннинг эр-таси тасодифий бир воқеа юз берди. Чўпонлардан бири тўсатдан оғир бестоб бўлиб қолди. Бемор юқори ма-лакадаги медицина хизматига муҳтож. Энди нима қилиш керак? Дарҳол шу ердаги алоқа бўлимига мурожаат қилинди. Радиот шаҳар билан гап-лашганидан кейин бир соат чамаси вақт ўтиб шекилли, тез ёрдам самолёти яқин ораликдаги текис майдонга келиб қўни ва шу заҳотиёқ беморни олиб парвоз қилди.

БАЪЗИ БИР ЭЪТИРОЗЛАР

Бироқ, ййловдаги чўпонларнинг баъзи бир муҳим эътирозлари ҳам бор. Азалдан давом этиб келадиган сув таъминисига ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Йил сайин кўпайиб бораётган чорва молларини сув би-лан таъминлаш ҳамон мушкул ма-сала бўлиб қолмоқда.

— Ййлов-мелиоратив трести, — деди Ленин номи колхоз раиси Хожикабиров Отажонов, ўтган йили қазиб бонлаган қудуқларни чала қолдириб кетди. Билмадик уларга нима ҳалақат бераётган экан. Бугун эди, эрта эди билан вақт ўтказиша-елти. Эрта-индин кунлар исб кет-тади, эски қудуқларимиздаги сув билан шунча молни таъминлаб бўл-майди.

Бу ҳақ гап. Бошқа колхозларнинг чорвадорлари ҳам ана шундай эъти-



Массивда медицина хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган.

розларни билдирмоқдалар, чўпонлар учун қурилаётган янги уйларнинг томини ёпиш учун шифер билан таъминлашсин, Бўзойда жила бўл-май бита ҳаммом қуриб берилишини тегишли ташкилотлардан талаб қил-моқдалар.

Калинин, Ингйўл ва Чиноз рай-онларининг партия, совет ташки-лотлари чорвадорлар учун кино-фильмлар кўрсатиш, газета-журнал-лар билан таъминлаш, улар ўрта-сида лекция, сўхбатлар ўтказиш ва илгорлар таърибасини оммалашти-ришга етарли эътибор бераётган-ликлари ҳақида ҳам ҳақли эътироз-лар билдирилмоқда.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мах-сус мухбири.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА АҲВОЛ

ПХЕНЬЯН, 27 апрель. (ТАСС). Жанубий Корейдаги аҳвол кескин-лигича қолмоқда. Кўп миң киши-лик халқ оммасининг кегаги чиқини оппозицияни, студентларнинг кичик намоийши бошлиқларини қўчириб қўйди. Студентларнинг бу кичик намоийши унинг ташкилотчилари учун қутилмаган ҳолда Сеулдаги ярим миллион меҳнаткашнинг даҳ-шатли манифестациясига айланиб кетди. Ҳарбий маъмулар ва Аме-рика элчихонаси халқ нафратни оло-вини ўчириш, бу оловнинг авж-олишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Сеул ҳарбий комендант «қурос-ли қаршилиқ кўрсатганларнинг» ҳаммасидан ўч олинадиган, деган та-ҳдид билан буйруқ эълон қилди. Та-рқалиб кетган полиция ўрнини бур-жуазия оилаларидан чиққан киши-лар эгалладилар. Улар радио кар-найлари бўлган автомашиналарда шаҳар бўйлаб юриб, меҳнаткаш аҳолини янги хуружлардан воз ке-чишга чақирмоқдалар, намоийшчи-лар гуруҳларини тарқатиб юбориш-да жаза отрядларига ёрдам бермоқ-далар. АҚШ элчихонаси Ли Син Маннинг ўз истеъфоси ҳақида рас-мий баёнот бериши учун унга яна бир марта таъйиқ кўрсатишга шо-шилди. Диктатор бу аҳволдан қути-либ қолшига ва Қўшма Штатлар-нинг Жанубий Корейдаги ўз пози-цияларини сақлаб қолдишлари учун имконият беришга умид боғлаб, истеъфо беришга мажбуран рози бўлди.

Эртага миллат мажлисининг маж-лиси қақирлади. Миллат мажлиси олдида Ли Син Маннинг истеъфоси-ни қабул қилиш ва халққа исло-хатлар ваъда бериш вазифаси қўйил-ган. Шунга қарамай, ҳокимиятни бошқариш вазифасининг ҳаммаси Ли Син Ман маслакдошлари қўлида қолмоқда. Ли Син Маннинг ўзи беғайлаган муваққат ҳукуматга та-шқи ишлар министри, диктаторнинг сиёсий маслакдошисини Хо Чон бо-шилик қилмоқда. Бугундан бошлаб, парламентнинг расмий қарорини қўйиб ўтирмадан, у айнаи вақтда президент вазифасини бақаришни ҳам ўз зиммасига олди.

Вилотлар ҳам пойтахт сингари галаён ичиди. Пусанда яна тўқна-шув бўлди. Кўчага чиққан порт иш-чилари меҳнат конфедерациясининг лисинманчи бошлиғи уйига ўт қўй-дилар, реакциян касба овозларни қайта ташкил этишни талаб қилди-лар. Шаҳар аҳолиси ҳукумат муас-сасаларини яқсон қилди. Аҳолига қарши қўшинлар ва броневиклар ташланди. Бошқа жойларда ҳам галаёнлар давом этмоқда. Оммавий намоийш бошланган Масаига армия резервлари келтирилмоқда.

Ли Син Маннинг либерал пар-тиясига оппозицияда турган демок-ратик партия жамоатчилигини тинчи-тиш ва шу билан бир вақтда сиёсий жиҳатдан обрў орттириш мақсадида у миллат мажлисида «ҳамма шаф-қатсиз қонуларни тугатишга» эришмоқ учун тайёр эканлигини аъдон қилди. Конституцияни ўзгар-тириш учун шойишлич таразда пар-ламент комиссияси тўзилмоқда.

Ли Син Маннинг энг ақин даст-ёрлари яшриниб олдилар. Сеулдан хабар қилишларича, вице-президент Ли Ги Бун ва террор режимининг бошқа бир қанча кўга қўрилган арбоблари Инчондаги Америка ҳар-бий базасида боппана топганлар. Диктаторнинг ўзи шаҳардан тақши-ридаги нақиллардан бирига қочиб учун кўч-кўронини йиғиштирмоқда. Айтишларича, 1486 йилдан 1910 йилгача Корейга ҳукмронлик қилган қадимий сулоланинг бу вориён ўзин-нинг қолган кунларини Қўшма Штатларда ўтказмоқчи. У, япон ок-купацияси даврида ўша ерда яшони-иб ётган эди.

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс интернейшнл агент-лигининг мухбири Сеулдан хабар беради: Жанубий Корея президенти ваифасини ижро этувчи Хо Чон бугун Қўшма Штатлар билан янада мустақамроқ ҳарбий ва иқтисодий ёлоқлар ўрнатилишига кўмаклаша-ман, деб ваъда берди. У, Ли Син Ман истеъфо берганига қарамай, прези-дент Эйзенхауэр Жанубий Корейга қилгангиз вазиятдан воз кечмайди-деб умид билдириди.

Америка конгрессининг баъзи аъзолари президент Эйзенхауэрга Жанубий Корейга бормаслигини та-всия этдилар.

Тошкентда меҳнаткашларнинг 1960 йил 1 Майда бўладиган намоийши тўғрисида

Халқро байрам — 1 Май кунини Ленин майдонида Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг намоийши бўла-ди. Намоийш эрталаб соат 10 да бошланади.

Намоийшда қатнашадиган меҳ-наткашлар ўз қорхоналари ва муас-сасалари бўйича йиғилиш пунктла-рига тўпланадилар ва Ленин номи майдонга уюшган ҳолда, белгиланган маршрут бўйича район колонналари билан борадилар. Ленин номи май-донга тақлиф билети билан келув-чилар соат 8 дан 45 минут ўтганга қадар қўйилади.

Ҳамма турдаги транспорт ва пиё-далар ҳаракати ўраб олинган зона ва намоийшчиларнинг колонналари борадиган маршрут бўйича соат 7 да тўхтатилади.

Махсус пропускарлар биланган автомашиналар Ленин номи майдонга Ленинград кўчаси бўйлаб соат 8 дан 45 минут ўтганга қадар қўйи-лади ва бу машиналар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Гости-приемная кўчаси ва Сендрюковский переулкисиди тарафиди туради.

Намоийшчилар колонналарининг ҳаракатини тартибга солиб туришни назорат қилиш Тошкент шаҳар иж-роия комитети милиция бошқармаси-нинг бошлиғи, 3-ранг милиция ко-миссари ўртоқ Д. И. Исмоиловга та-всия қилинган.

ШАҲАР 1 МАЙ КОМИССИЯСИ.

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ Тамона ҳақида

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IV да Марвир қидирувчи-лар (билетлар сотилган).

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/IV да Гамлет, 30/IV да Али-шер Навоий.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 29, 30/IV да Хоразм эр-таси (29/IV га билетлар сотилган). Алла — «ЎЗБЕК ИСТОН», «ДРУЖБА» (1- зал), «СПУТ-НИК» (кундуз ва кечкурун), «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «ВАТАН» (эрталаб 9-40 минут, 11-20 минут, кундуз 3 ва кеч 5 да).

Дўст-ўртоқлар (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), Тонгин қарши-лаб... (кеч 5, 7 ва 9 да) — «ДРУЖБА».

Шўх қайрилишлар — «ВА-ТАН» (кундуз соат 1, кеч 7 ва 8-40 минутда).

Қора денгиз қизи — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕК ИСТОН», НАВОЙИ номи (кундуз ва кечкурун), «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, кеч 5 ва 7 да), ПУШКИН номи (кеч 8-20 минут ва 10 да).

Хўрланганлар — «ЎЗБЕКИ-СТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (1 ва 2-се-рия кеч соат 9 да).

Муъиззалар шаҳри (кундуз со-ат 12, 2 ва 4 да), Намасте (кун-дуз 1, 3, кеч 5 ва 10 да) — КИ-НОЛЕТОРИИ.

Одам-риқша (кундуз соат 4 да), Юхан (кеч 6, 8 ва 10 да) — «МИР».

Бир қирувчининг тарихи — «ЎЗБЕК ИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 5 да).

Ручий Жалолиддин кўчаси, 19. уйда турғучи Нафиса Акмалованинг шу уйда турғучи Қудратулла Ҳикматовни Мухам-маддан жаволиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6. участка ҳақ-судда қилинади.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1 ва 2 майда

ЎЗБЕК ИСТОН САНЪАТ
УСТАЛАРИНИНГ

катта концертлари

Концертлар: 1/В да — кун-дуз соат 2 ва кеч 8 да, 2/В да — кундуз соат 12 ва кеч 8 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 апрелда

Ўзбекистон санъат
усталарининг

катта байрам
КОНЦЕРТИ

Концертда: СССР халқ а-ртисти, Сталин мукофоти лауре-ати Мукаррама Турғубоева, Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаиёзов, Ўзбеки-стон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Коммуна Исмонлова, Эргаш Шукруллоев, Кундуз Мирқаримова, Қарим Алиев, Жаҳон ёшлар фестивали лау-реатлари Клара Жахилова, Фо-зил Харротов, филармония со-листлари Тоштемир Шарипов, Раббим Ҳамдамов, Баҳром Ма-лонов, Гафур Иноғомов, Гафур Азимовлар қатнашади.

Программани Мурод Қориев солиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бош-ланади. Билетлар кундуз соат 12 дан сотилмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депута-тов трудящихся

Р. 02655.

Редакциянинг
Адреси

«Қизил Ўзбекистон», «Правда

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ ҲАҚИДА: коммутиатор — 26334 ва 33262 орқалар Партия турмуши бўлими — 141. Пропаганда бўлими — 34803, 118 Совет кучлиги бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Кишлоқ хўжалик бўлими — 29046, 135. Санъат ва транспорт бўлими, Маълумот бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

бирлашган нашриётининг босмачонаси.

Нашр. А-1585.